


ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИ ОСМОНИДА ЮЛДУЗГА АЙЛАНГАНЛАР

II қисм

Илмий-оммабол рисола





ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИ ОСМОНИДА ЮЛДУЗГА АЙЛАНГАНЛАР

II қисм

Илмий-оммабон рисола

Тошкент – 2025



Xalqaro Nordik
universiteti nashriyoti

УЎК: 334.01(092)

ББК: 65.011.3г

Иқтисодиёт илми осмонида юлдузга айланганлар. (II қисм). Илмий-оммабоп рисола [Матн]. – Тошкент: «Xalqaro Nordik universiteti» nashriyoti, 2025. – 320 бет.

Ушбу рисолада илм-фан тараққиёти йўлида муҳим кашфиётларни амалга оширгани учун танланган, турли йилларда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган 40 нафар олимнинг ҳаёти ва фаолияти, улар билан бўлган ибратли суҳбатлар жамланган. Рисолада нафақат иқтисодчилар томонидан яратилган назариялар, балки илм-фан олами ва жамиятда мавжуд иқтисодий вазият ҳамда сиёсат моҳияти олимлар нуқтаи назари асосида ўзига хос тарзда ёритиб берилган.

Ушбу рисола иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабалар, ёш тадқиқотчилар, педагоглар ва кенг китобхонлар оммаси учун ҳам муҳим қўлланмадир.

Рисола Халқаро Нордик университетининг магистратура босқичи талабалари билан олиб борилган дарс машғулоти натижасида тайёрланган бўлиб, фаоллик кўрсатган барчага миннатдорчилик билдирамиз!

Нашрга тайёрлаганлар:

Шерзод Мустафакулов – ХНУ ректори, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), профессор;

Хасан Сабиров – ХНУ «Иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш» кафедраси мудир, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент;

Низомиддин Урмонов – ХНУ Илмий семинар аъзоси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент;

Мухтасар Исакова – ХНУ матбуот котиби.

Тақризчилар:

Қаландар Абдурахмонов – Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;

Бахтиёр Салимов – ТДИУ «Яшил иқтисодиёт» кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори;

Ақром Хошимов – «Халқ сўзи» газетаси Бош муҳаррири ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ISBN: 978-9910-09-048-6

© Xalqaro Nordik universiteti nashriyoti, 2025



**Иқтисодиёт бўйича
2023 йилги
Нобель мукофоти соҳибаси**



Claudia Goldin

Нобель қўмитаси Клаудия Голдин ҳақида:

«Иқтисодиёт фанлари бўйича бу йилги лауреат Клаудия Голдин аёлларнинг даромадлари ва меҳнат бозоридаги иштирокига доир асрлар давомидаги биринчи марта тўлиқ маълумотларни тақдим этди. Унинг тадқиқотлари ўзгаришлар сабабларини, шунингдек, гендер тафовутнинг асосий манбаларини очиб беради».



КЛАУДИЯ ДЕЙЛ ГОЛДИН

Клаудия Дейл Голдин 1946 йил 14 майда туғилган. У америкалик иқтисод тарихчиси ва меҳнат иқтисодчиси бўлиб, Гарвард университетининг иқтисод профессори ҳамдир. 2023 йил октябрь ойида у «Аёлларнинг меҳнат бозоридаги ўрни ҳақидаги тушунчаларни кенгайтиргани учун» Иқтисодиёт фанлари бўйича Нобель Мемориал мукофотига сазовор бўлди. У яққон мукофотни қўлга киритган биринчи аёл сифатида тарихга ёзилди.

У Иқтисодий Тадқиқотлар Миллий Бюросининг (ИТМБ) иқтисодиётдаги гендер тадқиқот гуруҳи ҳамраиси (Клаудия Оливетти ва Жессика Голдберг билан биргаликда) ва 1989 йилдан 2017 йилгача ИТМБнинг Америка иқтисодиётини ривожлантириш дастури директори бўлган.

Голдин «Аёллар ва Америка иқтисодиёти» ҳақидаги тарихий асари билан машҳур. 1990 йилда Голдин Гарварднинг иқтисод бўлимида ишлаган биринчи аёл бўлди. 2013 йилда у Америка иқтисодий ассоциацияси президенти бўлган. Голдиннинг иқтисод фанига қўшган асосий ҳиссаси иқтисодиётда аёлларнинг тарихий тажрибасини, айниқса, аёллар меҳнатининг меҳнат бозоридаги ўрни ҳамда гендер иш ҳақи фарқининг асосий сабабларини кенг таҳлил қилган.



КЛАУДИЯ ГОЛДИН БИЛАН СУҲБАТ

2023 йил 6 декабрь куни Швециянинг Стокгоlm шаҳрида бўлиб ўтган Нобель ҳафталигида 2023 йилги иқтисодий фанлар лауреати Клаудия Голдин билан суҳбат.

Мухбир: *Иқтисодий фанлар билан шугулланиш нияти қачон пайдо бўлди?*

Клаудия Голдин: Ҳар доим олим бўлишни хоҳлардим, лекин иқтисод нималигини билмасдим. Коллежга боргунимга қадар иқтисод нималигини билмаганман. Коллежга боргунингизча билмаган кўплаб соҳалар мавжуд. Ўрта мактаб ўқувчиларига фалсафа, дин ёки иқтисодиётни ўргатиш қийин. Биз мураккаб фанларни ўргатиб жуда яхши иш қиляпмиз, лекин жамиятлар, одамлар ва сиёсат ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли мураккаб фанларни ўргатишни унчалик яхши бажармаяпмиз. Коллежда мана шуларни ўрганамиз.

Болалигимда илм-фан соҳасида нимадир қилишни хоҳлашимни билардим. Илм-фан ҳақида кўп нарса билмасдим, лекин Бронкс Олий фан мактабига келганимда, микроскоп остида нималар содир бўлаётганининг ажойиботларини кашф этдим ва бактерияларни ўрганишга қарор қилдим. Дастлаб, бактериология билан шугулланиш учун коллежга кирганман, лекин охирига етказмадим. Ҳатто генетика ва ҳужайралар фанида содир бўлаётган нарсалар ҳақида етарли даражада маълумотга эга эмасдим. Мен ўша пайтда одамлардан энг яхши маълумотларни олганман деб ўйламайман, лекин бу охир-оқибат унчалик муҳим бўлмади.

Мухбир: *Қачон аёллар меҳнат бозорини ўрганишга қарор қилдингиз?*

Клаудия Голдин: Мен Корнелга бактериологияни ўрганиш учун кирганман, кейин эса ўзим хоҳлаган нарсага эришиш учун Санъат ва фанлар факультетига ўтдим. У ерда жуда кўп турли фанларни ўқидим. Кейин иқтисодиётга кириб келганимда, англадимки, бу шунчаки иқтисод эмас, инсон ҳақида фан эди. Бу Алфред Кан эди. У иқтисод соҳасига иштиёқи баланд бўлган ва буни мен тушунадиган ҳамда охир-оқибат инсонни мувозанатга қайтарган

кўплаб кучлар мавжуд бўлган фан сифатида қадрлайдиган тарзда тушунтирган. Бу менга жуда қизиқ бўлган математикага алоқадор фан эди. Унинг соҳаси саноатни ташкил этиш ва тартибга солиш назарияси эди.

Коллежда ўқиётганимда, мен ўқиган иқтисоднинг асосий қисми ҳозир шуғулланмайдиган соҳаларда эди. Гарчи ўзимни умумий иқтисодчи деб ҳисобласам-да, иқтисодчи тарихчи сифатида ўзим ўқиётган соҳа ва даврга мос келадиган деярли ҳар қандай иқтисодга очиқ бўлишим кераклигини англадим. Аммо коллежда таҳсил олаётганимда, маҳсулот бозорлари назариясига оид бўлган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш соҳасида ишлаганман. Аспирантурага эса Чикаго университетига кирганман. Бу ерда саноатни ташкил этиш, ҳуқуқ ва иқтисод соҳаларининг буюк вакиллари бор эди. Шу сабабдан бу йўналишни ўрганишга қарор қилдим.

Мухбир: *Карерангизга таъсир қилган устозингиз борми?*

Клаудия Голдин: Менга ўрнак бўлганлар ва мураббийлар ўз фанига катта иштиёқ билан ёндашган шахслар бўлган. Айтганимдек, Фред Кахан номи билан танилган Алфред Кахан тартибга солиш назариясига иштиёқманд эди. Аслида, у Америкада Фуқаролик Аэронавтика Кенгашининг раҳбари бўлиб ишлаган. У авиакомпанияларни тартибга солишни бекор қилган ва шу йўл билан Фуқаролик Аэронавтика кенгашидан халос бўлган. Эҳтимол, у агентлик раҳбарлари тарихида ўзи раҳбар бўлган агентликни тарқатиб юборган жуда кам сонли инсонлардан бири бўлса керак.

Алфред авиакомпаниялар нархларини тартибга солишни бекор қилди ва Америкада авиакомпаниялар нархларини пасайтирди. Бу эса бизда ҳозирда йўқ бўлган кўплаб авиакомпанияларнинг пайдо бўлишига олиб келди, лекин бу жуда кичик авиакомпаниялар эди. Масалан, «Халқ авиакомпанияси». Чикагога борганимда, ўз фанига иштиёқманд бўлган ажойиб мураббийлар ва устозлар борлиги бахтига муяссар бўлдим. Масалан, Гари Беккер шундай шахслардан бири эди. Ҷна бири Роберт Фогель эди. Булар мени қайсидир маънода саноатни ташкил этишдан меҳнат иқтисодиётига ва иқтисодий тарихга кўпроқ йўналтирган одамлардир. Айтишим керакки, агар мен ҳам саноатни ташкил этишни ўргансам, улар хафа бўлишмасди.

Мухбир: *Қандай қилиб эътиборингизни ва мотивацияннгизни бир маромда сақлайсиз?*

Клаудия Голдин: Мен бундай қизиқувчанликсиз омон қола олардим, деб ўйламайман. Биз ҳозиргина ажойиб тушлик қилдик. Унда таом пишириш ва таомлар тарихи ҳақида гаплашдик. Суҳбатда нима учун баъзи мамлакатларда қаттиқ нон истеъмол қилишади, баъзи мамлакатларда эса юмшоқроқ нон. Шунингдек, нега шамол энергиясига нисбатан сув энергиясидан фойдаланилиши каби мавзуларда гаплашдик.

Бу шунчаки тушлик эди. Шундан сўнг пазандачилик тарихининг бошқа масаллари ҳақида ўйлай бошладим. Аслида пазандачилик тарихи билан шуғулланмайман, лекин қайсидир маънода ҳаммамиз ошпазлик тарихига қизиқамиз. Бу шунчаки биз қилаётган ва ўйлайдиган ҳар бир нарса ҳақида савол беришдир.

Мухбир: *Қизиқувчанлинингиз қаердан келиб чиққан?*

Клаудия Голдин: Мен у билан туғилганман демоқчи эмасман. Ўйлайманки, бу – мураккаб дунёмиз бўйлаб айланиб юрганингизда, янгиликларни тинглаганнингизда, нотаниш одамлар ва уларнинг қийинчилик ёки бахтлари ҳақида ўйлаганингизда, улар ҳақида кўпроқ билишни хоҳлаган пайтингиздаги туйғу. Уларнинг тарихи ҳақида кўпроқ билишни хоҳлайсиз ва бу хоҳиш кўпайиб боради, анча катталашади.

Мухбир: *Совринингиз ҳақидаги хабарни қандай нишонладингиз?*

Клаудия Голдин: Буни яхши эслайман. Биз Гарвардда матбуот анжуманига бордик. Эрим Ларри, талабаларимиздан бири Дев ва итимиз Пика ўша кун эрталаб келишди ва барчамиз биргаликда матбуот анжумани учун Браттл-стрит 1-уйга йўл олдик. Ҳаммамиз матбуот анжуманида қатнашдик. Кейин матбуот анжуманидан офисимиз жойлашган Литтауерга юридик ва зинапоялардан кўтарилганимизда, мени тахминан 150 нафар талаба ва профессор-ўқитувчилар кутиб олишди. Ажойиб кун эди. Ҳақиқатан ҳам гўзал кун бўлди. 9 октябрь эди, қуёш чарақлаб турарди, осмон Гарварддаги мухташам бинолар ва миноралар устида кўм-кўк кўринарди. Ўшанда талабалар ва ўқитувчилар

билан биргаликда ўтказилган ажойиб тантана бўлганди. Албатта, ўша пайтда ҳали уруш бўлмаганди, лекин исроилликларнинг асирга олиниши бизни жуда қайғуга солди. Аралаш туйғулар исканжасида қолгандик. Шундай бўлса-да, байрамни ҳис қилишга ҳаракат қилдим, аммо айна пайтда маълум даражада оғриқни ҳам ҳис этдим.

Мухбир: *Янгиликка дастлабки муносабатингиз қандай бўлди?*

Клаудия Голдин: Дастлабки реакциям шундай бўлдики, тезда нимадир қилишим керак эди. Эълон учун тайёргарлик кўришга бир ярим соат вақтимиз бор эди. Бу вақтда итни сайр қилдириш, нонушта тайёрлаш ва чўмилишга улгуриш керак эди. Ҳаётимнинг катта қисмини қамраб олган ишим ҳақида ўйлаб, қисқа маъруза ёзишим, нима дейишимни ва кимга миннатдорчилик билдиришимни ўйлашим керак эди. Буларнинг барчасини бажарганидан сўнг, соат олтида кутилмаган ҳодиса юз берди. Яъни электрон почтага хатлар ёғила бошлади. Шахсий ва расмий ҳисобларим алоҳида эмасди. Нобель жамғармаси, яқин қариндошларим ва дўстларимдан келган муҳим хатларни топиш учун барча хабарларни кўздан кечиришим кераклигини тушундим. Тез орада хатлар сони юзлаб эмас, минглаб келганини англадим.

Матбуот анжуманига бориб келгач, хатларни ўқишни бошладим ва қандай қилиб уларнинг барчасини кўриб чиқишим мумкинлиги ҳақида ўйладим. Бунинг учун менга ғайритабиий куч керак эди. Ўқий бошлаганимда, кўпчилик хатлар «Мен йиғлаб юбордим» ёки «Мен жуда хурсандман» деган сўзлар билан бошланганини пайқадим. Бу хатлар муаллифи менга нотаниш одамларнинг гаплари эди. Хатларда уларни руҳлантирганимни ва ўзларида фахрланиш туйғусини уйғотганимни ёзишганди. Мана шу қувончли ва ҳаяжонли хатлар менга қолганларини ҳам ўқиб чиқиш учун куч бағишлади. Бу шахсан менга берилган мукофот бўлса-да, ушбу хатлардан олган таассуротларим уни минг карра кучайтирганини ҳис қилдим. Ҳақиқий мукофот аслида шу эди.

Мухбир: *Илм-фанда ҳамкорлик қанчалик муҳим?*

Клаудия Голдин: Бу жуда қизиқарли савол, унга кўп томон-

лама жавоб бериш керак. Бир томондан, илм-фаннинг кўплаб соҳаларида ҳамкорлик мавжуд. Кимё ва физика, айниқса, биологик фанлардаги ҳамкасбларимизнинг фикрларини эшитишимиз ёки, масалан, юзлаб олимларнинг ҳамкорлигида кашф этилган Хиггс бозони ҳақида эслашимиз жоиз.

Иқтисодиёт илгари бошқача эди. Авваллари илм-фанда бир олим ўзи мустақил равишда тадқиқот олиб борарди. Мисол учун, ҳозиргина гаплашган Боб Фогел ва Гари Беккер шундай иш тутганлар. Ҳозирги кунда иқтисодиёт ҳамкорликка асосланган. Киши ёлғиз ўзи мақола ёки китоб ёзиши камдан-кам учрайди. Мен бундай ишларни қилганман, лекин ҳамкорликда ҳам ишлайман. Ҳамкорликда ишлай бошлаганимда, мен билан ишлайдиган аёллар жуда кам эди. Шунинг учун дастлабки ҳамкорликларим асосан эркаклар билан бўлган. Улардан бири ақлли ва зукко, шунингдек, эрим бўлган Ларри Катс билан эди.

Ларри Катс билан ишлашни яхши кўраман, лекин ҳозир аёллар билан ҳам ишлайман. Масалан, Клодия Оливетти. У эрта ёки индинга келади. Шундай қилиб, мен ниҳоят аёллар билан ҳам ҳамкорлик қила бошладим. Мисол учун, Сесилия Роуз билан муҳим мақола ёздик. Ақлли, билимдон, ҳамкорликка моил одамлар билан ишлаш ажойиб, шунингдек, аёллар билан ишлашнинг кўплаб ўзига хос жиҳатлари бор.

Мухбир: *Сухбатларингизда итингиз ҳақида гапириб ўтасиз. Унинг ўрни ҳаётингизда қай даражада?*

Нью-Ёркдаги Бронксда яшар эдим ва итлар ҳақида ҳеч нарса билмасдим. Биринчи итимни аспирантурада ўқиётганимда олдим, бу кўпчилик учун анча кеч ҳисобланади. У ажойиб ҳайвон эди, исми Келсо бўлган, лекин у билан жиддий машғулотлар ўтказишга вақтим йўқ эди. Умуман олганда, фақат учта итим бўлган. Хайриятки, уларнинг иккитаси жуда узоқ яшади. Пика ҳозир 13 ёшда ва умид қиламанки, у яна бир неча йил биз билан бирга бўлади. Мен итлар билан мусобақа ишлари билан шуғулланишни бошладим ва Пика ажойиб марказчи бўлиб чиқди, яъни «марказчи» дея айтганимда, худди футболчи ҳақида гапираётгандек бўламан. Итни ўргатишни яхши кўраман. Ит билан яқиндан танишишни, биз тўлиқ тушунмайдиган жонзот онгини чуқурроқ билишни ёқтираман.

Мухбир: *Ёш олимларга қандай маслаҳат берардингиз?*

Клаудия Голдин: Бу жуда оддий. Қизиқишларингизни кузатиб боринг. Маълум мавзу билан шуғулланайтгангизда унга оид сизда саволлар пайдо бўлади ва булар қизиқишларингизга айланади. Уларни кузатишда давом этинг. Жавобни осонгина топаман деб ўйламанг. Баъзан атрофга назар солиб, таърифларни излаб, нима содир бўлганини, унинг тарихини, одамларга қандай таъсир кўрсатганини тушуниш керак. Ҳатто одамлар билан суҳбатлашиш ҳам сизга кўп ёрдам бериши мумкин. Бугунги кунда талабаларимиз энг яхши сабабий боғлиқликни топишга ошиқмоқдалар.

Мухбир: *Тўсиқларни енгишинг энг яхши усули нима?*

Клаудия Голдин: Шунчаки давом этавериш. Айтмоқчиманки, мен дуч келган энг катта муваффақиятсизликлар кулгили ҳикояларга айланади, улар чиндан ҳам жуда қизиқ бўлиб қолади. Энг катта муваффақиятсизликлар мен учун қандайдир муҳим ҳужжатлар тўпламини қидиряпман деб ўйлаганимда ва уларни топа олмаганимда юз берган. Лекин баъзида бу мени Статен-Айленддаги бир жойга олиб борди. У ерда Ситибанқдан ҳужжатлар тўплами бўлиши керак эди. Бу Citibank ҳар куни ўз маълумотларини юбориб турадиган «Ironman» объектларидан бири эди. Улар маълумотларни олиб келиб, қутиларга жойлашади ва охир-оқибат баъзи қутилардаги нарсаларни йўқ қилишади, аммо баъзи қутилар номаълум вақт давомида сақланиши керак. Мен ана шу турдаги қутиларни қидираётган эдим. Катта қийинчиликларга дуч келганимни айтмасдан ўтай, мен Citibank бош директорининг мактуби билан ушбу Иронман объектига бордим ва мактубни кўрсатганимда, ходим менга ҳайрон бўлиб қаради: «Нима учун бу ерга келганингизни тушунмаяпман». Кўп қутиларга кўзим тушди. Бу ер юзидаги дўзах ҳақидаги фильмдан олинган сахнага ўхшарди, шунчалар кўп қутилар бор эди. Кўпчилигини текшириб чиқдик. Ходим қутиларни олиш учун ҳақиқатан ҳам юқори кўтарувчи мосламадан фойдаланиши керак эди. Шунча кўп қутилар бор эдики, уларни туширишда қанча қийинчиликлар юзага келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эди. Йўқ, мен қидираётган нарсани топа олмадим ва бир неча кунни беҳуда сарфладим, лекин баъзида шундай бўлади.

Мухбир: *Ўз соҳангиздаги етакчи аёл сифатида ўзингизни ёлғиз ҳис қилдингизми?*

Клаудия Голдин: Менимча, ўзимни ҳеч қачон ёлғиз ҳис қилмаганман, чунки доимо дўстларим, айниқса, аёл дўстларим бор эди. Қисман одам ўзини ёлғиз ҳис қилади. Аммо мен ўзимни унча ёлғиз ҳис қилмадим, эҳтимол бунинг сабаби Бронкс илмий мактабида ўқиганимдир. У пайтда илм-фан кўпроқ эркаклар соҳаси эди, шунинг учун ўзимни ортиқча ёлғиз ҳис қилмадим.

Мухбир: *Иқтисодий фанларда изланишлар олиб бораётган ёш аёлларга қандай маслаҳат ва тавсиялар берасиз?*

Мен аспирантлик давримда барча соҳалар асосан эркаклар билан тўлган эди. Бугунги кунда иқтисодиётнинг баъзи кичик йўналишлари бошқаларига қараганда кўпроқ аёллардан иборат. Аёллар макроиқтисодчи ва эконометрист бўлсалар, жуда яхши бўларди.

Мухбир: *Нима учун иқтисодий фанларда хилма-хиллик муҳим?*

Клаудия Голдин: Бу масаланинг икки жиҳати бор. Биринчиси, нима учун хилма-хилликка эриша олмаймиз? Иккинчиси, хилма-хилликнинг роли нима? Мен биринчиси билан кўп шуғулланганман, иккинчиси ҳақида озроқ айта оламан. Эркаклар ва аёллар кўпинча иқтисодиёт каби фанларга биров бошқача қарайдилар ва баъзида иккаласи ҳам ноҳақ бўлади. Иқтисодиётдаги бакалаврият даражасидаги аёллар бўйича тадқиқотларимда, нима учун иқтисодиёт бошқа кўплаб фанлар каби яхши натижа бермаётганини тушунишга ҳаракат қилдим. Гарчи аёллар математикани эркаклар каби яхши билсалар-да ва иқтисодиёт математик фан бўлса-да (биология фанларидан кўра кўпроқ, эҳтимол кимёдан ҳам кўпроқ, физикадан эса кам эмас), бу ҳолат юзага келмоқда. Бир неча йил олдин бунинг сабабини ўйлаб кўрдим ва кўп одамлар бу қарорни ҳатто коллежга кирмасдан олдин қабул қилишларини тушундим. Уларнинг бундай қарорга келишининг асосий сабаблари ота-оналари билан нонушта пайтида муҳокама қилинадиган мавзулар ва улар «New York Times», «Wall Street Journal», «Washington Post» ёки бошқа газеталар ва ижтимоий тармоқларда ўқийдиган нар-

салар билан боғлиқ. Кўпчилик учун иқтисодиёт молияга ўхшаб кўринади, лекин у молия эмас. Молия иқтисодиётнинг бир қисми бўлиши мумкин, аммо иқтисодиёт фақат молиядан иборат эмас.

Кўпгина йигитлар коллежга кириш олдидан ёзда улардан: «Қайси йўналишда ўқимоқчисиз? Учта фан айтинг», деб сўрашганда, улар иқтисодиётни ҳам кўрсатишади. Нима учун, деб сўрасангиз, «Чунки иқтисодиёт бу – молия, мен эса молия соҳасига кирмоқчиман», дейишади. Аёллардан эса: «Нима учун иқтисодиётни танламадингиз?» деб сўрасангиз, «Чунки иқтисодиёт бу – молия, мен эса молияга кирмоқчи эмасман», деб жавоб беришади. Аслида иккаласи ҳам нотўғри. Улар иқтисодиёт нима эканлиги учун эмас, балки нима эмаслиги учун бу соҳани танлашлари керак. Бу хилма-хиллик муаммосининг бир қисми, чунки эркаклар ва аёллар ёки турли этник ёки ирқий келиб чиқишга эга шахслар, ўз соҳаларидан ниманидир олишни исташлари мумкин. Аммо соҳани ўрганмагунингизча ва унга тегишли даражада яқинлашмагунингизча, унинг моҳиятини тушуниш қийин. Чунки баъзи соҳалар ўрта мактабда ўқитилмайди ёки етарлича чуқур ўргатилмайди. Ҳатто ўрта мактабда ўқитиладиган фанлар, масалан, тарих ҳам коллеждагидек даражада ўқитилмаслиги мумкин, баъзи фанлар эса умуман ўқитилмайди. Бу бизнинг кўпроқ хилма-хилликка интилишимизнинг сабабларидан бири бўлиши мумкин ва балки етарли хилма-хилликка эга эмаслигимизнинг сабаби ҳам шудир.

Бироқ хилма-хилликдан нима оламиз, деган бошқа савол ҳам бор. Бу анча кенг мавзу. Иқтисодиёт доирасида хилма-хилликдан оладиган нарсаларимиз нафақат турли хил қарашлар, балки аёллар ва эркакларнинг иқтисодиётнинг турли соҳаларига киришга мойиллиги ҳам аниқ кўринади. Агар иқтисодиётда 10 ёки 12 та кичик соҳа бўлса, аёллар бир гуруҳ соҳаларга, эркаклар эса бошқа гуруҳдаги соҳаларга моил бўлишади. Шундай қилиб, кўп йиллар давомида аёлларнинг етарли даражада бўлмаслиги бу кичик соҳаларда анча оз сонли шахслар фаолият юритганини англатади ва улардан бири ёрдам бериш билан боғлиқ.

Мухбир: *Иқтисодиёт фанларида хилма-хилликни қандай рағбатлантиришга ҳаракат қиласиз?*



Нобель мукофотини топшириш маросимидан лавҳа.

Манба: *Christine Olsson / TT News Agency / Reuters*

Клаудия Голдин: Албатта, биз бу борада кўп иш қиляпмиз. Ҳамкасбларим билан биргаликда иқтисодиёт бўйича бакалавр дастурини ишлаб чиқдик. Биз иқтисодиётни асл моҳиятини кўрсатиш учун кўплаб усулларни ўйлаб топдик. Иқтисодиёт одамлар ҳақида, уларнинг бир-бирига, бозорларга ва иқтисодий дунёга бўлган муносабатларининг турли жиҳатлари ҳақидадир. Биз шундай қилдикки, биринчи курс талабалари университетлар ва иқтисодиёт кафедралари остонасидан ўтишлари билан уларга иқтисодиётнинг моҳияти ва иқтисодчиларнинг фаолияти ҳақида маълумот берилади. Иқтисодчилар ҳақиқатан ҳам одамлар билан ишлашади. Улар тенгсизлик, соғлиқни сақлаш, иқтисодий ривожланиш ва бошқа шу каби масалалар устида тадқиқот олиб боришади. Буни турли усуллар билан амалга оширамиз, токи биринчи курс талабалари ижтимоий фанлар доирасида психология одамлар билан, иқтисодиёт эса фақат бозорлар, пул ёки фонд

бозорлари билан шуғулланади, деган нотўғри фикрга бормасинлар. Иқтисодиёт одамлар ҳақида эканлигини тушунсинлар.

Мухбир: *Яхши ўқитувчини қандай таърифлайсиз?*

Клаудия Голдин: Иқтисодиётда биз дуч келадиган муаммолардан бири шуки, фанимизни иқтисодий назария билан бошланадиган курслар тўплами сифатида ўқитамиз. Бу эса ўқувчиларни иқтисодиёт одамлар ҳақида деган тушунчадан узоқлаштиради, чунки иқтисодиёт абстракт ғоялар йиғиндисига айланиб қолади. Илм-фанда, масалан, физикада абстракт ғоялар ҳақида гапириш табиий, аммо иқтисодиёт аслида абстракт ғоялар ҳақида эмас. Шунга қарамай, биз уларга иқтисодиёт мавҳум бозорлар ҳақида деб ўргатамиз. Бироқ иқтидорли ўқитувчи иккаласини уйғунлаштира олиши керак. Мен яхши ўқитувчини шундай таърифлаган бўлардим: у ўз ғояси ва мавзусини шундай етказиши керакки, талабанинг кўзларида ҳайрат, қизиқиш ва илҳом уйғонганини кўриш мумкин бўлсин. Агар буни уддалай олмасангиз, демак, ўқувчига етиб бормаган бўласиз.

Мухбир: *Яқинда «Аёллар нима учун ғалаба қозонди» номли мақолани ёздингиз. Нима учун бу сарлавҳани танладингиз?*

Клаудия Голдин: Аввало, «Аёллар нима учун ғалаба қозонди» сарлавҳаси. Бу мақола менинг дастлабки изланишларимдан бири. Олимларнинг афзалликларидан бири шуки, саволимиз ва вақтимиз бўлса, унга жавоб топишга ҳаракат қила оламиз. Менинг саволим шундай эди: аёллар бугун қаерда эканлигини ва улар илгари қаерда бўлганини биламан, бугунги кунга қандай етиб келишди? Мана шу «Аёллар нима учун ғалаба қозонди» дегани. Бу аёллар айнан ютишлари керак бўлган нарсага эришди ёки йўл давомида барча аёллар олишлари керак бўлган нарсани олди дегани эмас. Аммо бу бугунги ҳолатимиз ўз ҳаётимда, нафақат туғилганимда ёки коллежда ўқиганимда, балки аспирантурада ўқиганимда ва ҳатто Принстонда ассистант профессор бўлганимда бўлган ҳолатдан жуда фарқ қилишини кўрсатади. Бугун аёлларнинг қонуний ҳуқуқлари анча кенгайган. Уларнинг иш жойидаги қонуний ҳуқуқлари, кредит бозоридаги ҳуқуқлари, оиласига, исмига, танасига, контрацепцияга оид ҳуқуқлари... Рўйхатни давом эттириш мумкин. Америкада ҳамда дунёнинг кўп қисмида аёллар

ҳуқуқлари анча кенгайган. Бу улар доим шу ҳуқуқларга эга бўлган ёки бу ҳуқуқлардан осонгина фойдалана олади дегани эмас, лекин булар уларнинг ҳуқуқларидир. Бу дегани бу ҳуқуқлар улар осонлик билан фойдалана оладиган ҳуқуқлар дегани эмас, балки булар уларнинг ҳуқуқлари дегани.

2023 йил, 6 декабрь

